

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САТТОРОВ ОРИФЖОН БОЙМУРОДОВИЧ**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИНТЕНСИВ БОҒДОРЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Сатторов Орифжон Боймуродович**

Фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг  
иктисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари.....5

**Сатторов Орифжон Боймуродович**

Направления совершенствования экономических основ развития интенсивного  
садоводства в фермерских хозяйствах.....25

**Сатторов Орифжон Боймуродович**

Ways to improve the economic basis for the development of intensive gardening in  
farmers .....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**САТТОРОВ ОРИФЖОН БОЙМУРОДОВИЧ**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИНТЕНСИВ БОҒДОРЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Птирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/1q11092 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хўшматов Норкул Садуллаевич,</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Назарова Фотима Хақимовна,</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Хушвақтова Хуснобод Солиевна,</b> иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.1.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "25" июнь соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "25" июнь кўни тарқатилди (2021 йил "25" июнь даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**У.П.Умурзаков,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Ф.Султанов,**

Илмий Одажалар берувчи илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Қ.А.Чариев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси уринбосари, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши, нокулай демографик ҳолатлар, сиёсий нобарқарорлик қишлоқ хўжалиги учун нобарқарор табиий-ижтимоий муҳитни юзага келтирмоқда. Натижада сайёрамиз аҳолисини физиологик меъёрлар даражасида озиқ-овқат билан таъминлаш қийинлашмоқда. Ҳар йили 850 млн. нафардан ортиқ аҳоли очликдан азоб чекмоқда, озуқа етишмовчилиги 5 миллиондан ортиқ болаларнинг умрига зомин бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида аҳоли сони ўсиши, сиёсий вазият нобарқарорлиги, кенг миқёсдаги урбанизация, индустрлаштириш фойдасига самарали қишлоқ хўжалигидан воз кечиш, ривожланаётган давлатлар хусусиятлари каби ҳолатлар келтирилади. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) экспертлари фикрича, ҳозирда жаҳон ҳамжамияти инсониятни озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш имконига эга эмас.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида экологик ҳолати ёмон бўлган давлатларда қишлоқ хўжалиги ер майдонлари миқдори тез суръатлар билан камайиши кузатилмоқда. Шу боис, боғдорчилик соҳасини интенсив асосда ривожлантириш, унда илм-фаннинг амалий ва инновацион йўналишларини ривожлантириш асосида тайёр илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг самарали тизимларини яратиш, хўжаликларни сифатли кўчатлар билан таъминлаш, боғларни парваришлашда касаллик ва ҳашоратларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш борасидаги маслаҳатларни йўлга қўйиш масалаларига устуворлик қаратилмоқда.

Боғдорчиликни ривожлантириш учун республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитлари қулайлиги, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш борасидаги технологик имкониятлар, интеллектуал салоҳият ортиб бориши, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ёғин-сочин, ер ости сувлари миқдори интенсив боғдорчилик учун етарли эканлиги ва қолаверса шаклланган тажрибалар ва деҳқончилик маданияти бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирмоқда. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда, холос...”<sup>1</sup>. Иккинчи томони эса фермер хўжаликларида етиштирилган меваларни янги узилган ёки қайта ишланган ҳолда охириги истеъмолчигача етказиб бериш билан боғлиқ инфратузилмалар, тегишли хизматлар етарли даражада ривожланганмаган. Шу боис интенсив боғдорчиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг илмий ечимларини топиш, мева етиштирувчи фермер хўжаликларида самарали бизнесни ташкил қилишнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш долзарблик касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлан-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://agro-olam.uz/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirzijoevning-qishloq-hujaligi-hodimlari-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi/>

тиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 935-сон “Республикада 2019-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Боғдорчилик соҳасини интенсив тарзда ривожлантириш масалалари билан хорижлик агроиқтисодчи олимлардан И.Куликов, Г.Лесникова, А.Луценко, А.Магомедов, В.Потехин<sup>2</sup> каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилган илимий ечимлар Р.Хусанов, С.Усмонов, Қ.Чориев, Ў.Умурзаков, Т.Фармонов, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова, Т.Дадабоев, Ш.Муродов<sup>3</sup> каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмалари қаторидан ўрин олган.

Шу билан бир қаторда юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари турли даврларда, мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришдаги умумий иқти-

<sup>2</sup> Куликов И.М., Воробьев В.Ф. и др. Основные направления инновационного развития садоводства и питомниководства в России: – Москва: ФГБНУ "Росинформагротех", 2017. – 132с. <http://agroportal24.ru/plodovodstvo/1672-osnovnye-tipy-sadov-chast-2.html>; Лесникова Г. Сады интенсивного типа с точки зрения экономики. «Аграрная Кубань» 06 декабря 2012 г. <https://agro-sputnik.ru/index.php/rastenivodstvo/661-sady-intensivnogo-tipa>; Луценко А. Интенсивные яблоневые сады. <https://nayablone.ru/vybor-sorta/intensivnyeyablonevye-sady>; Магомедов А.М. пути и проблемы развития интенсивного садоводства в регионе. <https://science-education.ru/pdf/2015/1/1500.pdf>; Потехин В. Интенсивное садоводство для получения максимального урожая на ограниченной площади. <https://втораяиндустриализация.рф/intensivnoe-sadovodstvo/>

<sup>3</sup> Хусанов Р. Дехкон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 103 б.; Чориев Қ. Фермер ва дехкон хўжаликларини кооперация жараёнига жалб этиш//Агроиқтисодийот. – Т. – 2017. №1. – Б. 22-30.; Ў.Умурзаков., С.Эшматов. Meva-sabzavotchilikda qiymat zanjiri tahlili. / <http://evu.uz/magazine/meva-sabzavotchilikda-qiymat-zanjiri-tahlili.html>; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.д. ... дисс. авт. – Т.: 2006. – 46 б.; Хушматов Н. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Аграр иқтисодий/ЎзБИИТИ. – 2008. № 3-4. – Б. 3-7.; Жумаев О. Кўп укладли иқтисодий шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. и.ф.н... дисс. авт. – Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 24 б.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. и.ф.н. ... дисс. авт. – Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 23 б.; Муродов Ш. “Мева-сабзавотчилик агросаноат фирмалари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари” “Ёш олимлар – қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи куч”// Agro ilm, 2008.

содий масалаларига бағишланган бўлиб, хусусий секторда интенсив боғдорчилик тармоғини, мева етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимини ривожлантириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Интенсив боғдорчиликда маҳсулот етиштириш, сотиш, қайта ишлаш, маҳсулотларни савдога чиқариш олдидан сақлаш, транспорт-логистик тизимини ривожлантириш, маҳсулотларни бозор талаби даражасида қадоқлаш каби, айниқса етиштирилган маҳсулотларни сотиш масалаларида кўплаб илмий тадқиқотлар талаб қилади. Шунинг учун ҳам ушбу йўналишдаги тадқиқотлар ва уларнинг ечимлари бўйича илмий тавсиялар тайёрлаш амалиёт ва аграр илм-фани учун долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интенсив боғдорчиликни ривожлантириш зарурати ва иқтисодий хусусиятларини илмий жиҳатдан ёритиш;

интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлик даражасини баҳолаш диагностика юзасидан назарий тавсиялар тайёрлаш;

республикада интенсив боғдорчилик соҳасини ривожланишининг ҳозирги аҳволига таҳлиллар асосида баҳо бериш;

Қашқадарё вилоятида интенсив боғдорчилик ривожланишининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш асосида хулосалар ишлаб чиқиш;

интенсив боғдорчилик бўйича хорижий тажрибалар ва уларни республика кишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

интенсив боғдорчиликда маҳсулотларни истемолчиларга етказиб бериш тизимини ривожлантириш йўллари бўйича ишлаб чиқиш;

интенсив боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларида етиштирилган меваларни сақлаш объектлари фаолиятини йўлга қўйиш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

интенсив боғдорчиликни ривожлантириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республиканинг интенсив боғдорчилик тармоғида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари ҳисобланади. Монографик тадқиқотлар учун Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган боғдорчилик фермер хўжаликлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияни таёрлашда қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, иқтисодий ҳисоб-китоб, эксперт баҳолаш ва монографик кузатиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

интенсив боғдорчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо беришнинг соддалаштирилган иқтисодий диагностиками ишлаб чиқилган ҳамда диагностикам идентификатори таклиф этилган;

замонавий интенсив боғдорчилик фаолиятининг ресурс тежамкорлик даражасига ресурс тежамкорлик индекси орқали баҳо бериш таклиф этилган ва тежамкорлик индексини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

интенсив боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг маҳсулотларни юқори фойда олган ҳолда сотиш юзасидан типологик гуруҳлари шакллантирилган;

интенсив боғдорчиликда табиий офатлар туфайли келиб чиқадиган талофатларни фермер хўжаликлари учун компенсация қилиш механизми таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меваги боғларнинг интенсивлиги тоифалари ва агротехнологик жиҳатдан, иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан ажралиб турувчи хусусиятлари ҳамда меваги боғларни ташкил қилишнинг тадбиркор учун ортикча харажатлар билан боғлиқ хусусиятлари тизимлаштирилган;

анъанавий ва интенсив боғлар иқтисодий кўрсаткичлари солиштирма таҳлиллари асосида интенсив боғдорчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш юзасидан соддалаштирилган иқтисодий диагностикам ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси расмий манбаларига таянилганлиги, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари асосида тайёрланган илмий тавсиялар республикада бозор муносабатлари ривожланиши шароитида боғдорчилик маҳсулотларини самарали сотиш ҳамда сақлаш тизимини шакллантиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакат ҳамда вазирликлар даражасида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш тадбирларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасидаги таклифларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги техникумлар ва олий таълим муассасаларида ўқув дастурларини такомиллаштириш доирасида фойдаланишлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фермер хўжаликларида интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялари асосида:

интенсив боғдорчилик соҳасининг иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш юзасидан рақамли технологияларга асосланувчи соддалаштирилган иқтисодий диагностика бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 январь 05/03-04-50-сон маълумотномаси). Натижада боғдорчилик хўжаликлари фаолиятини баҳолаш жараёни 5-10 фоизга соддалашган.

замонавий интенсив боғдорчилик фаолиятининг ресурс тежамкорлик даражасига баҳо бериш ва тежамкорлик индексини аниқлаш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 январь 05/03-04-50-сон маълумотномаси). Тежамкорлик индекси асосида боғдорчилик хўжаликлари фаолиятини баҳолаш, иқтисодий таҳлил қилиш жараёнини 5-10 фоизга соддалаштирган.

интенсив боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг маҳсулотларни юқори фойда олган ҳолда сотиш юзасидан типологик гуруҳлари асосида хўжаликларда маҳсулот сотиш ва сақлаш тизимини диверсификация қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 январь 05/03-04-50-сон маълумотномаси). Натижада боғдорчилик хўжаликларида маҳсулот сотишдан фойда миқдорини 5-8 фоизга оширган.

табiiй офатлар туфайли келиб чиқадиган талофатларни фермер хўжаликлари учун компенсация қилиш механизми бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 январь 05/03-04-50-сон маълумотномаси). Натижада табiiй офатлар туфайли боғдорчилик хўжаликлари кўрадиган талофатларни компенсация қилиш ҳисобига хўжаликларда зарар миқдори 30 фоизгача камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари иккита халқаро, тўртта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий мақола ва тезислар эълон қилиниб, шу жумладан жами 12 та мақола илмий журналларда, 3 та мақола хорижий илмий нашрларда ва 6 та маҳаллий анжуманларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўз ичига 24 та таҳлилий жадвал ва 17 та расмни олган ҳолда жами 129 бетда баён этилган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Интенсив боғдорчилик соҳаси иқтисодий ривожланишининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш зарурати асосланган, интенсив типдаги мевали боғларнинг иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан хусусиятлари очиб берилган, соҳани ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлик даражасини баҳоловчи соддалаштирилган иқтисодий диагностикаум идентификатори бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишда интенсив боғдорчиликнинг анъанавий боғдорчиликдан ажралиб турувчи хусусиятлари ва муҳим жиҳатлари ёритилган.

Бугунги кунда бутун дунёда бўлгани каби республикада ҳам ишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар ва илғор билимлар, илм-фан ютуқларига асосланган усуллар ҳамда воситаларга таянган ҳолда юритиш йўналишида ривожлантириш борасида кенг камровли ташкилий-иқтисодий, молиявий тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, боғдорчилик соҳасидаги тадбирлар натижалари сезиларли бўлиб, интенсив боғлар майдони кенгаймоқда.

Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш нафақат интенсив технологиялардан, техник воситалардан, мевали дарахтларнинг интенсив навларидан фойдаланилиши ва шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, маҳсулотларни йиғиштириб олиш ва сотиш тизими ҳамда усулларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бизнинг назаримизда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш зарурати қуйидагилар иқтисодий вазиятлар билан изоҳланади:

– биринчидан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиши билан бирга қишлоқ хўжалиги ер майдонлари чекланганлиги, ҳар бир қарич ердан интенсив технологиялар асосида самарали фойдаланиш зарурати ортиши;

– иккинчидан, боғдорчилик тармоғига йўналтирилган маблағлар қайтимини тезлаш зарурати ортмоқда (интенсив боғдорчиликда инвестиция қайтими иккинчи йилдан бошланиб, анъанавий боғларга нисбатан қайтиш даври 2,0-2,5 мартага камаяди);

– учинчидан, интенсив боғларда ҳосилдорлик анъанавий боғларга нисбатан деярли 3-4 мартага ортиқроқни ташкил қилиши ва мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 500 центнердан ортиқ ҳосил олиш мумкинлиги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширади;

– тўртинчидан, интенсив боғларда кўчатлар тиғиз жойлашиши ва дарахтлар бўйи пастлиги ҳисобига сув ва гелиоресурслардан (йиллик самарали харо-

рат) ҳамда қишлоқ хўжалиги ер майдони бирлигидан самарали фойдаланиш эвазига нисбатан юқорироқ даромад олиш имконини беради;

– бешинчидан, республикада интенсив боғдорчилик бўйича интеллектуал салоҳият (кадр тайёрлаш тизими, илмий-тадқиқот институтлари ва шу соҳада фаолият юритувчи олимлар, “in-vitro” лабораториялари мавжудлиги), тажриба ва билимлар мавжудлиги улардан фойдаланишни тақозо қилади;

– олтинчидан, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти даражаси ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш интенсив технологиялардан замонавий билимлардан фойдаланишни тақозо қилиши интенсив боғдорчиликни ривожлантириш заруратини белгилайди;

– еттинчидан, интенсив боғдорчилик тармоғини саноат асосида йирик плантацияларда ва шунингдек кичик ҳажмли ишлаб чиқариш доирасида ташкил қилиш имконияти мавжудлиги, йирик хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағларини (фермер хўжаликлари ва МЧЖлар) қишлоқ хўжалигига сафарбар қилиш билан биргаликда деҳқон хўжаликлари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини баради.

Интенсив боғдорчилик соҳасини ривожлантириш иқтисодий самарадорлиги мезонлари ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишда бизнинг назаримизда, интенсив боғдорчиликнинг анъанавий боғдорчиликдан ажралиб турувчи хусусиятлари ва тегишли кўрсаткичлари эътиборга олинishi лозим (1-жадвал).

1-жадвал.

**Анъанавий ва интенсив боғлар иқтисодий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили<sup>4</sup>**


Иқтисодий кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар қийматлари		
	Анъанавий боғлар	Интенсив боғлар	Ижобий фарқи, (кўп)*
Ҳосилга кирган боғларнинг ўртача ҳосилдорлиги, (ц/га)	70-150	250-350	2,5-3,5 марта
Йиғиштириб олинган ҳосил таркибида юқори навли товар мевалар салмоғи (дарахт тагига тўкилган ҳосилни ҳисобга олмаган ҳолда), %	30-70	85-95	1,5-2,5 марта
Ҳосилни йиғиштириб олишда меҳнат унумдорлиги даражаси	500 кг бир сменада	650-800 кг бир сменада	1,3-1,6 марта
Боғларда мевали дарахтларга шакл беришда меҳнат сарфи, (киши/соат)	56-70	35-50	1,4-1,6 марта
Мевали дарахтлар экилгандан кейин биринчи ҳосилни йиғиб олиш муддатлари (100 ц/га дан ортиқ), йил	6-8	3-4	2,0 марта
Боғдорчиликка инвестиция қилинган маблағлар қайтиши муддатлари, (йил)	7-9	4-6	1,5-1,9 марта

Изоҳ: \*устун маълумотлари интернет манбаси асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

<sup>4</sup> Виктор Потехин. Интенсивное садоводство для получения максимального урожая на ограниченной площади. <https://втораяиндустриализация.рф/intensivnoe-sadovodstvo/>.

Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда жуда кўплаб иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Аммо, фермер хўжаликларида йил якуни билан эришиладиган натижаларга баҳо беришда амалиётда маълумотларни йиғиш осон бўлган, аниқлаш содда бўлган ҳамда хўжаликларнинг фаолиятига тўлиқроқ баҳо бериш имкони бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб боғдорчиликда иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо беришда анъанавий боғларга нисбатан ёки ўтган йиллар иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан баҳолашга асосланган соддалаштирилган иқтисодий диагностика тавсия қилинади (1-расм):



**1-расм. Интенсив боғдорчиликда иқтисодий самарадорлик даражасига баҳо бериш юзидан соддалаштирилган иқтисодий диагностикаси<sup>5</sup>**

Айни пайтда тавсия қилинаётган иқтисодий диагностика таркибидаги “Фермер хўжаликларида интенсив боғларда мева етиштиришда инновацион

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

Расмдаги пунктир чизиқ билан белгиланган гуруҳ ва ушбу гуруҳга кирган иқтисодий кўрсаткичлар муаллиф томонидан таклиф қилинмоқда.

технологиялардан фойдаланиш даражаси” гуруҳига кирувчи иқтисодий кўрсаткичлар муаллиф томонидан янгидан тавсия қилинаётганлиги боисдан, уларни ҳисоблаш усулини келтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, интенсив боғларда тежамкор ҳамда рақамли технологиялар ҳисобига ресурс тежамкорлик индекси орқали ресурс тежамкорлик ( $РТ_D$ ) даражасига баҳо бериш таклиф этилади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда, қуйидаги формула таклиф этилади:

$$РТ_D = \frac{ИРТ_C}{ЖТ_C} + \frac{ФРТ_C}{ЖРС} \quad (1)^6$$

бу ерда,  $ИТ_C$  – ишлаб чиқаришда фойдаланилган ресурстежамкор интенсив техника воситалари (турлари) ва технологиялар сони, (дона);

$ЖКТ_C$  – боғдорчилик фермер хўжалигида мева етиштиришда фойдаланилаётган жами техника воситалари (турлари) ҳамда технологиялар сони, (дона);

$ФРТ_C$  – фермер хўжалигида интенсив боғларда фойдаланилаётган рақамли технологиялар жорий қилинган агротехник тадбирлар сони, (дона);

$ЖРС$  – фермер хўжалигида интенсив боғларда фойдаланилаётган жами агротехник тадбирлар, (дона).

Юқорида таклиф қилинган формула асосида ҳисоблаб топилган интенсив боғларда тежамкор ҳамда рақамли технологиялар ҳисобига шаклланувчи ресурс тежамкорлик индекси замонавий интенсив боғларнинг устунлик жиҳатларини ўзида намаён қилади. Бунда тежамкор ва рақамли технологиялар каторида фойдаланилган интенсив типдаги мевали боғлар кўрсаткичларининг боғларнинг интенсивлик ёки супер интенсивлик даражасини белгилаши ҳам эътиборга олинishi лозим.

Мевали боғларнинг иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан ажралиб турувчи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда интенсив боғдорчилик иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун соддалашган иқтисодий диагностика ум идентификатори ишлаб чиқилган (2-жадвал).

Интенсив боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун таклиф қилинаётган соддалаштирилган иқтисодий диагностика умни амалга оширишнинг мақсади, иқтисодий моҳияти ва таҳлиллар учун тегишли ҳисоб-китобларни ташкил қилиш учун талаб қилинадиган барча дастлабки маълумотлар фермер хўжаликлари ихтиёрида мавжуд ва уларни йиғиш учун алоҳида тадқиқотлар талаб этилмайди. Айни пайтда интенсив боғларда фойдаланиладиган инновацион замонавий техник воситалари ва технологияларни танлаш ва ўрнатишда технологияларнинг унумдорлиги, техник имкониятлари юқорилигига қизиққан ҳолда эмас, балки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини инобатга олган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан таклиф қилинмоқда.

**Интенсив боғдорчилик иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун  
соддалашган иқтисодий диагностика ум идентификатори<sup>7</sup>**

<b>Иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи</b>	<b>Кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти</b>	<b>Кўрсаткичдан фойдаланиш мақсади</b>	<b>Ҳисоблаш усулига чиқиш йўли</b>
<b>ID1.</b> Фермер хўжаликларида интенсив боғларда моддий-техник, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги.	Интенсив боғларда ер, сув, интенсив кўчатлар, техник воситаларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатлар самараси, қайтимига баҳо бериш.	Фермер хўжалигида ер, сув, интенсив кўчатлар, техник воситаларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш табирларини бажариш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• бирламчи манбалар таҳлили;</li> <li>• монографик тадқиқотлар;</li> <li>• мониторинг қилиш.</li> </ul>
<b>ID 2.</b> Фермер хўжаликларида интенсив боғларда мева етиштиришда иш кучидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги.	Интенсив боғларда меҳнат унумдорлиги, меҳнатнинг малакаси кўрсаткичи асосида иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.	Боғларда амалга оширилаётган тадбирлар сифатини яхшилаш, ишчилар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• суҳбатлар уюштириш;</li> <li>• мониторинг қилиш;</li> <li>• иқтисодий таҳлил қилиш.</li> </ul>
<b>ID 3.</b> Фермер хўжаликларида интенсив боғларда мева етиштиришда интенсив технологиялардан фойдаланиш даражаси.	<i>Интенсив боғларда замонавий инновацион, рақамли технология, техник воситалар билан таъминланиш ва самарадорлигига баҳо берилади.</i>	<i>Интенсив боғларни замонавий техник воситалар, ускуналар билан жиҳозлаш самарадорлиги таҳлиллари асосида уларнинг миқдори ва сифати назорати учун.</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• таққослама иқтисодий таҳлил;</li> <li>• монографик таҳқиқотлар;</li> <li>• мониторинг қилиш.</li> </ul>
<b>ID 4.</b> Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги умумий кўрсаткичлари.	Маҳсулот таннархи, маҳсулот сифати, экспорт ҳажмини ошириш, рентабеллик даражаси орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги баҳоланади.	Фермер хўжалигида мева етиштириш ҳисобига фойда олиш ва унинг миқдорини ошириб бориш ҳолатига баҳо бериш учун	<ul style="list-style-type: none"> <li>• бирламчи манбалар таҳлили;</li> <li>• монографик тадқиқотлар;</li> <li>• мониторинг қилиш.</li> </ul>

Диссертациянинг иккинчи боби “**Фермер хўжаликларида боғдорчилик тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолати**” деб номланиб, унда мамлакатимизда интенсив боғдорчилик соҳаси ривожланиши ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, Қашқадарё вилоятида интенсив боғдорчилик ривожланишининг бугунги ҳолати, мавжуд муаммолар таҳлил этилган. Соҳани ривожлантириш юзасидан ривожланган мамлакатлар тажрибалари таҳлил қилган ҳолда уларни мамлакатда татбиқ этиш имкониятлари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва тавсиялар баён қилинган.

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

Маълумки, республикада боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш борасида узоқ йиллик тажрибалар тўпланган. Боғдорчилик маҳсулотлари ҳудуднинг табиий иқлим шароити ва географик жойлашувнинг қулайлиги, сақлаш ва ташиш имкониятларининг мавжудлиги, ўсимликларнинг бой генофонди, меваларнинг мазали таъми (таркибида қанд моддаси юқорилиги) сабабли асрлар давомида барқарор шалланган бозорига эга бўлган. Шу билан бирга сўнгги йилларда етиштирилган меваларнинг жаҳон бозорларида ўз сегментига эга бўлиб бориши боис маҳсулот етиштиришда янгича ташкилий ва иқтисодий муносабатлар жорий этилмоқда, янги навлар ҳамда замонавий етиштириш агротехнологиялари ўзлаштирилмоқда. Бу эса провардида меҳнаткаш боғбоннинг ҳаёт тарзига, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Мамлакатимиз ҳудудлар бўйича табиий иқлим шароитлари, ресурслар билан таъминланиш даражасида тафовутлар мавжудлиги боғдорчилик тармоғи ривожланишида ҳам турлича шароитлар пайдо қилади. Жумладан, 2020 йил ҳолатига кўра мамлакатимизда жами 336,6 минг гектар боғлар мавжуд бўлса, у сўнгги 5 йилда минг гектарга ёки 20 фоизга ўсган (3-жадвал).

3-жадвал.

**2016-2020 йилларда Республикада мавжуд жами боғлар  
майдонининг ўзгариш динамикаси<sup>8</sup>**

Иқтисодий кўрсаткичлар		Йиллар					
		2016	2017	2018	2019	2020	
Жами боғ майдони, минг га		279,6	271,6	319,2	336,6	336,6	
Шундан ҳосилга кирган боғлар	<i>Жами, минг га</i>	226,2	221,0	222,5	232,2	232,2	
	<i>Улуши, фоиз</i>	80,9	81,4	69,7	69,0	69,0	
Хўжалик юриш шакллари кесимида	Фермер хўжаликлари	<i>Жами, минг га</i>	172,0	159,0	172,4	172,4	172,4
		<i>Улуши, фоиз</i>	61,5	58,5	54,0	51,2	51,2
		<i>Шундан ҳосилга кирган минг га</i>	134,1	124,9	128,6	128,6	128,6
	Дехқон хўжаликлари	<i>Жами, минг га</i>	84,1	83,9	84,1	85,8	85,4
		<i>Улуши, фоиз</i>	30,1	30,9	26,3	25,5	25,4
		<i>Шундан ҳосилга кирган минг га</i>	81,7	81,3	82,9	82,9	82,9
	Қишлоқ хўжалиги корхоналари	<i>Жами, минг га</i>	23,5	28,7	62,3	78,4	78,4
		<i>Улуши, фоиз</i>	8,4	10,6	19,5	23,3	23,3
		<i>Шундан ҳосилга кирган минг га</i>	10,4	14,8	20,7	20,7	20,7

Ҳозирда мавжуд боғларнинг ўртача 70 фоизи ҳосилга кирган. Бу боғдорчилик соҳасида янги агротехнологиялар ва янги интенсив навлардан фойдаланилаётганидан далолат беради. Хусусан, вилоятлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак боғ майдонлари энг кўп ҳудуд бу Самарқанд вилояти вилояти бўлса, энг кам боғ майдонига эга ҳудуд Қорақалпоғистон саналади. Боғдорчилик ривожланишида ҳудудларнинг табиий иқлим шароити ҳам асосий омил

<sup>8</sup> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги статистик тўплами, – Т. 2020.

саналганлиги боис асосан салқин ва баҳор мавсумида ёғингарчилик миқдори кам бўлган ҳудудларда қизиқишлар ортмоқда. Бунда бошқа корхоналар билан биргаликда аҳоли томорқаларида ҳам боғдорчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада 2016 йилда жами боғларнинг 61,5 фоизи фермер хўжаликлари, 30,1 фоизи эса деҳқон хўжаликларига тегишли бўлган. Бу кўрсаткич 2020 йилга келиб мос равишда 51,2 ва 25,4 фоизга тенг бўлган. Ҳозирда хусусий тадбиркорлар салмоғи ортиб бориши кузатилоқда.

Интенсив боғларнинг ҳосилдорлиги маҳаллий боғларга нисбатан юқори бўлиб, ўз навбатида ўртача ҳосилдорлик пакана ва ярим пакана боғларда ҳам турлича кўрсаткичга эга бўлган (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Республикада мавжуд интенсив боғларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосил миқдори ўзгариши динамикаси<sup>9</sup>**

Ҳудудлар номи	Интенсив боғлар ўртача ҳосилдорлиги ц/га			Интенсив боғлар ялпи ҳосили, минг тонна		
	2016 й.	2018 й.	2020 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	121	123	127	2,1	2,2	2,4
Андижон	161	163	169	39,4	41,1	44,4
Бухоро	149	151	156	22,4	23,4	25,2
Жиззах	172	174	180	42,5	44,3	47,7
Қашқадарё	133	135	140	15,1	15,8	17,0
Навоий	142	144	149	9,4	9,9	10,6
Наманган	151	153	159	17,3	18,0	19,5
Самарқанд	191	194	201	158,0	165,4	178,0
Сурхондарё	159	161	167	18,4	19,16	20,7
Сирдарё	140	142	147	4,4	4,63	4,98
Тошкент	165	167	173	140,6	146,7	158,0
Фарғона	166	168	174	5,6	5,86	6,32
Хоразм	126	128	133	12,4	13,0	14,0
Республика бўйича	168	170	176	489,2	510,3	549,5

Мамлакатимизда барча турдаги интенсив боғларнинг ўртача ҳосилдорлиги 2016 йилда 168 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 170 ц/га ни ва 2020 йилда 176 ц/га ни ташкил этган. 2020 йилда энг юқори ҳосилдорликка эришган ҳудуд бу Самарқанд вилояти (201 ц/га) бўлса, энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистонда (127 ц/га) қайд этилган. Мева етиштириш ҳажми ортган.

Етиштирилган мева ҳажми ўсиб бориши ижобий динамикага эга бўлсада, иқтисодий адабиётларда унинг самарадорлигини аҳоли жон бошига нисбатан тибий меъёр бўйича таъминланиш даражасига қараб баҳолаш методикасидан ҳам кенг фойдаланилади. Республикада аҳоли жон бошига боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи таҳлилари кўрсатишича, 2016 йилда

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.



82 килограмми, 2017 йилда 80,7 килограмми, 2018 йилда 82,1 килограмми, 2019 йилда 82 килограмми, 2020 йилда эса 82,3 килограмми ташкил этган бўлса ва 2020 йилда 2016 йилга нисбатан қарийб ўзгаришсиз қолган (5-жадвал).

**5-жадвал.**

**Республикада аҳоли жон бошига боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш миқдорининг ўзгариши<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан, %
	2016	2017	2018	2019	2020	
Республика аҳоли сони, млн киши	31,6	32,1	32,7	33,3	33,9	107,4
Аҳоли жон бошига тиббий меъёр бўйича, кг	75,0	75,0	75,0	75,0	75,0	-
Аҳоли жон бошига ўртача етиштирилган мева, (кг)	82,0	80,7	82,1	82,0	82,3	100,4
Мева етиштириш аҳоли жон бошига физиологик меъёрга нисбатан, %	109,3	107,6	109,5	109,3	109,7	100,4

Республикада аҳоли жон бошига етиштирилган боғдорчилик маҳсулотлари ортиши, мева экспорти, уни қайта ишлаш масалаларининг долзарблашишига туртки бериб, уни ташқи бозорларнинг техник (ўлчами, ранги) ва сифатига қўйиладиган талаблар доирасида етиштиришга эътибор қаратишни талаб этади.

Қашқадарё вилоятида иссиқ кунлар давомийлиги, қуруқ ва иссиқ ёз фасли ҳамда ёз фаслида ёғингарчиликни деярли бўлмаслиги, сунъий суғоришнинг мавжудлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга қулай имкон яратади. Вилоятда боғдорчилик ривожига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 2016 йилда жами 20,8 минг гектар, 2018 йилда 21,9 минг гектар ва 2020 йилга келиб 20,4 минг гектар боғлар мавжуд бўлган (6-жадвал).

Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш борасида ривожланган давлатлар тажрибаларини атрофлича таҳлил қилиниб, мамлакатимиз шароити ва табиий иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги жиҳатларини мамлакатимизда тадбиқ этиш имкониятлари мавжуд. Жумладан:

- интенсив боғларни ички истеъмол учун, қайта ишлаш учун, экспорт учун каби турларга ажратган ҳолда жойлаштириш. Бунда ҳудудларнинг табиий шароити, географик жойлашуви, логистика ривожланиши ҳолати, сақлаш имкониятини инобатга олиш мақсадга мувофиқ (Туркия тажрибаси);

- ривожланган давлатлар бозорига мева етказиб бериш тизимини яратиш мақсадида асл ҳолда сақланган ўрик ва гилос боғларини кенгайтириш, органик маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш самарали ҳисобланади (Туркия);

- “Hobby gardening”, яъни севимли машғулоти боғдорчилик орқали ташкил этишга устуворлик бериш орқали маҳаллий хусусий инвесторлар ҳамда аҳолини боғдорчиликка кенг жалб этиш (Туркия тажрибаси);

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

**Қашқадарё вилоятида боғдорчилик тармоғини иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари<sup>11</sup>**

Иқтисодий кўрсаткичлар		2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами боғ майдони, минг га		20,8	20,6	21,9	19,8	20,4
Шундан ҳосилга кирган боғлар, га		16,1	17,3	19,1	16,9	17,2
Боғлар ўртача ҳосилдорлиги, ц/га		89,1	94,3	94,3	100,8	103,4
Республика ўртача ҳосилдорлигига нисбатан фарқ	Жами (+,-)	-45,4	-24	-27,3	-17,7	-15,1
	Фоиз (+,-)	-34	-20,3	-22,5	-15,0	-12,8
Ялпи ҳосили, минг тонна		143,5	163,4	180,3	170,9	172,7

– органик боғдорчиликка кредит жалб этишда гаров таъминотини давлат ўз зиммасига олиш ҳамда ташқи бозорни яхши биладиган, ўз юртида юқори тажрибага эга бўлган хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда экспорт қилишга кенг имкониятлар яратиб бериш (Озарбайжон тажрибаси);

– ташқи бозорларни чуқур таҳлил этган ҳолда мазкур давлатда деярли йўқолиб кетган мева навлари асосида интенсив боғларини ташкил этилиши орқали манзилли экспортни асосида сеvimли мева навларини етказиб беришга эътибор қаратиш (Хитой тажрибаси) мақсадга мувофиқ саналади.

Диссертациянинг **“Интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида боғдорчилик фермер хўжалиklarининг маҳсулотларни юқори фойда олган ҳолда сотиш бўйича типологик гуруҳлари шакллантирилган ва хўжалиklarда маҳсулот сотиш ва сақлаш тизимини диверсификация қилиш йўналишлари тавсия қилинган, боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари таклиф этилган, соҳада табиий офатлар туфайли келиб чиқадиган талофотларни компенсация қилиш тизими зарурати асосланган ҳамда интенсив боғдорчиликда табиий офатлар туфайли келиб чиқадиган талофотларни компенсация қилиш механизми ишлаб чиқилган.

